

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 20 кунида жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Раупов, судья ёрдамчиси Б.Тошпўлатовнинг котиблигида, тарафлардан Иштихон туман прокурори ёрдамчиси С.Хақимов, судланувчи А.Абдуллаев ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Вog’ishamol” адвокатлар ҳайъати адвокати Ф.Хужамовларнинг иштирокида, Абдуллаев Алишер Хусеновичга нисбатан № 1-1402-2501/277-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Абдуллаев Алишер Хусенович** (Abdullaev Alisher Xusenovich) - 1987 йил 23 январь куни Тайлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, “Хусен Бобо Маҳсулотлари” МЧЖ раҳбари, Тайлоқ тумани “Нурафшон” маҳалласида яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини 2025 йил 11 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, томонларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини эшитиб, шунингдек, ишда бўлган далилларга баҳо бериб, куйидагиларни -

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Абдуллаев Алишер Хусенович, Самарқанд тумани МЧ “Гулбод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 158-рақамли контурида жойлашган, 80.8 балл бонитетли суғориладиган 0,17 га. ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, қурилиш учун тегишли рухсатнома олмасдан, 2020-2024 йиллар давомида 45,0 кв.метрдан иборат қоровулхона, 50,0 кв.метрдан иборат айвон, 430,0 кв.метрдан иборат сотув офиси ва айвон ҳамда 1150,0 кв.метрдан иборат бетон қоплама жами 1675,0 кв.метрдан иборат қурилмаларни ноқонуний равишда қурганлиги оқибатида 0,17 га. суғориладиган ер майдонини қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабабчи бўлиб, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп 210.994.410 сўм миқдорида зарар етказган.

Судланувчи Абдуллаев Алишер Хусеновичнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у Самарқанд туман ҳокимининг 14.08.2020 йилдаги 1295-К-сонли қарори билан ўзига туманнинг “Гулбод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидаги 158қ-рақамли контуридан жами 0,30 га. ва 151қ-рақамли контуридан Халилова Парвина Санатовнага 0,10 га. жами: 0,40 га. ер майдони ажратилганлигини, фуқаро Халилова Парвина Санатовнани олдиндан танимаслигини, ҳозирги кунда ҳам ушбу шахсни танимаслигини, 14.08.2020 йил ўзига ажратилган ер майдонидан



замонавий иссиқхона қуриб, фойдалана бошлаганлигини ҳамда 2022 йилнинг тахминан ноябрь-декабрь ойларида ҳоким қарори асосида унга ажратилган юқорида кўрсатилган ер майдонининг атрофини девор ёрдамида ўраб олиб, шу вақт давомида мазкур ҳудудда 45 кв. метр қоровулхона қурганлигини, 2024 йилнинг тахминан ноябрь-декабрь ойларида мазкур ер майдонидан ўз маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида тегишли давлат органларидан рухсат олмасдан туриб, ўз маблағлари ҳисобидан ушбу ер майдонида 50 кв. метр айвон, 430 кв. метр савдо офиси ва айвон ҳамда 1150 кв. метр бетон қоплама қуриб, жами 1675 кв. метр ноқонуний қурилиш ишларини амалга оширганлиги натижада, 0,17 гектар суғориб фойдаланиладиган ер участкаси қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабабчи бўлганлигини, мазкур қурилиш ишларини амалга оширишдан мақсади тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, фойда олиш бўлганлигини, бироқ амалга оширган ишининг қонунга хилоф эканлигидан хабардор бўлмаганлигини, давлат органлари томонидан берилиши зарур бўлган рухсатномаларсиз қурилиш ишларини амалга оширганини энди англаб етганлигини ва қонун талабларига риоя этмаган ҳолда иш тутганидан афсусда эканлигини, унга қонуний тартибда белгиланган чеклов ва талаблар тушунтириб берилганлигини, у қурган ноқонуний қурилишлар қурилиши натижасида ер майдонига жами 210 млн. 994 минг 410 сўм жуда кўп миқдорда зарар етказилганлигини ҳамда суғориладиган ер майдонларида қурилиш ишларини амалга ошириш жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида прокуратура ходими томонидан тушунтирилганлигини, ҳозирда қилган ишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қилмишини оқибатларини англаб етганлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиб, ерни ўз ҳолатига қайтарганлигини, уни кечириб, қонуний енгиллик беришни сўрагани ҳақидаги кўрсатуви;

-фуқаровий даъвогар Рузиев Аброр Ахроровичнинг суддаги, у 2024 йилнинг май ойидан бери Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилояти бошқармаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни назорат қилиш бўлими мутахассиси лавозимида ишлаб келаётганлигини, хизмат вазифаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни назорат қилиш, етказилган зарарни ҳисоблаш ва бошқалар киришини, унинг маълумотларига кўра, А.Х.Абдуллаев Самарқанд тумани МЧ “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 158-рақамли контурида жойлашган, 80.8 балл бонитетли суғориладиган 0,17 га. ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, қурилиш учун тегишли рухсатнома олмасдан, 2021-2024 йиллар давомида 45,0 кв.метрдан иборат қоровулхона, 50,0 кв.метрдан иборат айвон, 430,0 кв.метрдан иборат сотув офиси ва айвон ҳамда 1150,0 кв.метрдан иборат бетон қоплама жами 1675,0 кв.метрдан иборат қурилмаларни ноқонуний равишда қурганлиги оқибатида 0,17 га. суғориладиган ер майдонини қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабабчи бўлганлигини, кадастр агентлигининг Самарқанд тумани бўлими ходимлари томонидан 23.04.2025 йилда фуқаро А.Х.Абдуллаев роқида тузилган далолатномага кўра, Самарқанд туман ҳокимининг



14.08.2020 йилдаги 1295-К-сонли қарори билан фуқаро А.Х.Абдуллаевга туманнинг “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидаги 158к-рақамли контуридан жами 0,30 га. ер майдони деҳқон хўжалигини ташкил қилиш учун ажратилган бўлишига қарамасдан, у мазкур ер майдонининг атрофини девор ёрдамида ўраб олиб, бетон қопламали қурилмаларни қурганлигини, шундай қилиб, А.Х.Абдуллаев ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп 210 млн. 994 минг 410 сўм миқдордаги зарар етказганлигини, айбланувчи А.Х.Абдуллаев томонидан етказилган зарар ҳозирги кунда тўлиқ бартараф этилганлиги сабабли, унга нисбатан даъво ва эътирозлар йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўраганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ Вафоев Комил Ахмадовичнинг суддаги, у 2016 йилдан буён Самарқанд туманидаги “Шўрбойича” маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келаётганлигини, унинг хизмат вазифаларига маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш, ердан мақсадли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилиш, ер участкаларини ноқонуний эгаллаб олиш ҳолатлари бўйича тегишли давлат органларига маълумот киритиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда бошқа хизмат вазифалари киришини, у Абдуллаев Алишер Хусановични шахсан танишлигини, у билан ўртасида келишмовчилик ва шахсий адоват йўқлигини, фуқаро Абдуллаев томонидан қурилиш ишлари у мазкур лавозимда фаолият бошлашидан олдин амалга оширилган бўлиб, унинг бу жараёнда иштироки бўлмаганлигини, у Кадастр агентлигининг Самарқанд туман бўлими ва прокуратура ходимлари билан биргаликда 2025 йил 14 август куни Абдуллаев томонидан амалга оширилган қурилиш ҳолати юзасидан воқеа жойини кўздан кечириш ҳаракатида қатнашганлигини, кўздан кечириш жараёнида Самарқанд туманидаги МЧ “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 158-рақамли контуридан, 80,8 балл бонитетли, 0,17 гектар суғориб фойдаланиладиган ер майдонида тегишли рухсатномаларсиз, 2020–2024 йиллар давомида 45 кв. метр қоровулхона, 50 кв. метр айвон, 430 кв. метр савдо офиси ва айвон, 1150 кв. метр бетон қоплама қуриб, жами 1675 кв. метр қурилиш барпо этилганлиги, натижада ер участкаси қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилиб, давлат манфаатларига 210 млн. 994 минг 410 сўм жуда кўп бўлган миқдорда зарар етказилганлиги аниқланганлигини, воқеа жойида мазкур қурилишлар бартараф этилмагани қайд этилганлигини, шундан тахминан бир ой ўтгач, у Самарқанд туман прокуратурасига чақирилган ва унга мазкур ҳолат юзасидан Абдуллаев Алишер Хусановичнинг хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят аломатларини ташкил этгани, шу асосда унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилганлигини, бундан ташқари, жиноят иши доирасида етказилган 210 млн. 994 минг 410 сўм миқдордаги моддий зарар А.Абдуллаев томонидан тўлиқ



қопланганлиги, ҳозирги кунда судланувчи А.Абдуллаев ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларини бузиб, ерни ўз ҳолатига қайтарганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ Мустафоев Заршед Джамshedовичнинг суддаги, у 2024 йил 5 июлдан буён Самарқанд тумани “Шўрбойича” маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келаётганлигини, унинг хизмат вазифаларига аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ–138-сонли Қарорнинг 3-банди “б” бандига кўра, ўз ҳудудида қурилиши бошланган ҳар қандай бино ёки иншоотларнинг қонунийлигини аниқлаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, қурилиш ва кадастр органларига сўров юбориш ҳамда бошқа вазифалар киришини, у фуқаро Абдуллаев Алишер Хусановични 2024 йил июль ойларида маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ишлари давомида таниганлигини, у билан шахсий келишмовчилик ва адовати йўқлигини, фуқаро А.Абдуллаев қурилиш ишларини у мазкур лавозимда фаолият бошлашидан олдин амалга оширганлигини, шу боис у қурилиш жараёнида ҳоким ёрдамчиси сифатида хизмат кўрсатмаганлигини, мазкур ҳолат юзасидан у ўз хизмат вазифалари доирасида ПҚ–138-сонли Қарорнинг 3-банди “б” бандига асосан қурилиш қонунийлигини аниқлаш учун тегишли органларга сўров юбориш мажбурияти мавжуд бўлган бўлса-да, қурилиш ишлари амалга оширилаётган вақтда мазкур лавозимда ишламаганлигини, 2025 йил 14 август куни у Кадастр агентлигининг Самарқанд туман бўлими ва прокуратура ходимлари билан биргаликда А.Абдуллаев томонидан қурилган иншоот юзасидан Самарқанд туманидаги МЧ “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 158-рақамли контурида 80,8 балл бонитетли суғориб фойдаланиладиган ер майдонини кўздан кечириш ҳаракатида иштирок этганлигини, воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида мазкур ер майдонида А.Абдуллаев томонидан тегишли ташкилотлардан рухсатнома олмасдан, 2020–2024 йилларда 45 кв. метр қоровулхона, 50 кв. метр айвон, 430 кв. метр савдо офиси ва айвон ҳамда 1150 кв. метр бетон қоплама қуриб, жами 1675 кв. метр қурилиш ишлари амалга оширилганлиги, натижада 0,17 гектар суғориб фойдаланиладиган ер участкаси қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилиб, яроқсиз ҳолатга келгани ва давлат манфаатларига 210 млн. 994 минг 410 сўм жуда кўп бўлган миқдорда зарар етказилгани аниқланганлигини, ҳозирги кунда судланувчи А.Абдуллаев ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларини бузиб, ерни ўз ҳолатига қайтарганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-судда дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Тилавов Бобур Абдуҳат ўғли ва Мўминов Абдували Абдуманнон ўғлиларнинг кўрсатувлари билан;

-шунингдек, судланувчи Абдуллаев Алишер Хусановичнинг айби жиноят иш материалида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан, яъни 14.07.2025 йилдаги давлат ер назорати натижалари тўғрисидаги далолатнома; 15.07.2025 йилдаги таъиниш хати; ердан фойдаланувчини ҳисобга олиш бўйича



маълумотнома ва унга илова қилинган фотожадвал; 21.07.2025 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармасининг 12/2663-сонли хати; 14.08.2025 йилдаги воқеа жойини кўздан кечириш ҳақида баённома; 12.12.2025 йилги Давлат кадастрлар палатаси Самарқанд туман филиалининг 1828-сонли хати; 06.10.2025 йилдаги ёзма ва ашёвий далиллар деб эътироф этиш ва уларни жиноят ишига қўшиш тўғрисида қарор; тушунтириш хатлари; сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 16 декабрдаги “Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 36-сонли қарорининг 5-бандида, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда, қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилмаган, шу жумладан, берилган ер участкасининг чегаралари ваколатли органлар томонидан натурада белгиланмаган, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилмаган ҳолда фойдаланиш тушунилиши;

-суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ушбу ер майдонларида ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмасдан қурилиш ишларини амалга оширишда ифодаланиши;

-суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жинояти аниқланган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларида тўпланган ва судда муҳокама қилинган далилларга кўра, судланувчи А.Абдуллаев “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидаги, қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 158-рақамли контурида жойлашган, тупроқ унумдорлиги жиҳатидан 80,8 балл бонитетдан иборат бўлган ушбу ер майдонидан 0,17 га қисмини 2022 йил ноябрь-декабрь ойларида бирор-бир ҳужжатларсиз қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ушбу суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини яроқсиз ҳолга келтирганлиги 2025 йил 14 июль куни кадастр агентлиги Самарқанд туман бўлими ходимлари томонидан аниқланиб бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилган.

Шу маънода суд, судланувчи А.Абдуллаевнинг суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ифодаланган жиноий қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи судланувчи А.Абдуллаевнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарни қоплаганлиги, муқаддам судланмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ушбу жиноятни ғараз



ниятда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Абдуллаев Алишер Хусеновичга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 15-бандидаги “Судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилсин” деб қайд этилган,

-ушбу Пленум қарорининг 37-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деган раҳбарий тушунтиришларига,

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” деб кўрсатилган инсонпарварлик принципига;

-2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган юқори эътироф-ли кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда судланувчи А.Абдуллаевнинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, унинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 4 нафар фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиб, ерни ўз ҳолатига қайтарганлигини инobatга олиб, ушбу ҳолатлар у томонидан содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини татбиқ қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни лозим деб топди.

Шу билан бирга суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси талабларидан келиб чиқиб, қилмишнинг жинойлиги ва жазога сазоворлиги, ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланишини инobatга олиб, судланувчи М.Жалилов томонидан содир этилган жиноятнинг аниқланган вақти 2025 йилнинг июль ойи бўлганлигидан, ушбу вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори, яъни 375.000 сўмдан келиб чиқиб белгилашни ҳамда судланувчи А.Абдуллаевга нисбатан дастлабки в органи томонидан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги



тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд судланувчи А.Абдуллаев томонидан етказилган зарарни қоплаш учун Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 210.994.410 (икки юзи ўн миллион тўққиз юз тўқсон тўрт минг тўрт юз ўн) сўм пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги агро саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармаси фойдасига ўтказишни лозим топди.

Суд, ёзма далил деб эътироф этилган Суд, ёзма далил деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармасининг 12/2663-сонли хати; “Google Earth Pro” дастуридаги суний йўлдош орқали олинган фотосуратлар, Кадастр агентлиги Самарқанд туман бўлими ходимлари томонидан тузилган ҳужжатлар, “Google Earth Pro” дастури орқали далилий ашёни олиш ва кўздан кечириш ҳақида баённома, ҳолат юзасидан тўпланган фото суратлар ва бошқа қўшимча ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатларида сақланаётганлигини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади:

## Ҳ У К М

Судланувчи **Абдуллаев Алишер Хусенович** (Abdullaev Alisher Xusenovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари, яъни 37.500.000 (ўттиз етти миллион беш юз минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин ва давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи А.Абдуллаевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи А.Абдуллаев томонидан етказилган зарарни қоплаш учун Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 210.994.410 (икки юзи ўн миллион тўққиз юз тўқсон тўрт минг тўрт юз ўн) сўм пуллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги агро саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармаси фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ж.Раупов**

